



MILLIY TIKLANISH

40 (205) ● 2012 йил 3 октябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган



ЎзМТДП томонидан ташкил этилаётган тадбирларда талаба-ёшларни бой тарихий ўтмишимиз, анъана ва урф-одатларимизга нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни замонавий билимлар эгаси қилиб вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Кўқон шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли режали стационар 215 ўринга мўлжалланган. Ушбу тиббиёт муассасаси капитал реконструкциядан чиқарилиб, замон талаблари даражасида жиҳозланди. Ультратовуш текшируви, лаборатория, физиотерапия каби бўлимларда самарали муолажа учун барча шароит яратилди.



II "ОЛТИН ГЕПАРД" Тошкент халқаро кинофоруми "XXI аср тамаддуни: маданиятлар мулоқоти" мавзусига бағишланган бўлиб, ушбу мавзу лойиҳанинг асосий ғоясини ифода-лаб беради. Кинофорумнинг бу йилги шиори — "Яширин уйғунлик ошқорасидан кучлироқ" деб танланди.

2 СИЁСАТ

6 ЖАРАЁН

8 КЎЗГУ

ХАБАРЛАР

Ўзбекистон сайёҳлик салоҳияти намойиши
Жорий йилнинг сентябрь ойида Франциянинг Париж шаҳрида "IFTM Top Resa - 2012" ҳамда Япониянинг Токио шаҳрида "JATA Tourism Forum & Travel Showcase - 2012" халқаро сайёҳлик кўргазмалари бўлиб ўтди. Мазкур кўргазмаларда мамлакатимизнинг туристик салоҳияти кенг намойиш этилди.

Ўзбекистон сайёҳлик ва тарихий жойлар сони бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторида туради. Мамлакатимизда сайёҳларнинг қизиқиш ва талабларига жавоб берадиган шарт-шароит мавжуд, соҳа йўналишлари тобора кенгаймоқда. Жумладан, мамлакатимизда сайёҳликнинг тарихий-мезморий, сафари, спорт, рафтинг, экотуризм, археологик, фольклор-этнографик, агротуризм, соғломлаштириш, маданий ва маърифий каби турлари изчил ривожланмоқда.

Замонавий "деҳқон бозори"
Кўнғирот туманидаги "Қорақалпоғистон" посёлка фуқаролар йиғини ҳудудида замонавий қулайликларга эга янги бозор ишга туширилди.

"Setra trans marshrut" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан бунёд этилган ушбу "деҳқон бозори" ёпиқ ва очик павильонлардан иборат. Бу ерда сотувчи ва харидорлар учун барча шароитлар яратилган.
— Президентимиз раҳнамолигида халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган эътибор ўзининг юксак самараларини бермоқда, - дейди мазкур посёлка фуқаролар йиғини раиси Қутли Қўшимбетова. — Ҳудудимизда қурилиб, фойдаланишга топширилган замонавий бозорда аҳолига юқори сифатли хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Бундан фойда мамнунмиз.

Гиламлар кўргазмаси
Миллий санъат марказида 8 октябрь соат 17:00 да "Сеҳрли тугунчалар" номли озарбойжон гиламлари кўргазмаси иш бошлайди.

Экспозицияга қўйиладиган 60 та санъат асари даражасидаги ноёб гиламлар Озарбойжон давлат гилам ва халқ амалий санъати музейи тўпламидан олинган. Кўргазмада Озарбойжон гиламдўзлигига бағишланган фотосурат ва видеороликлар ҳам намойиш этилади. Бу эса ўзбек томошбинига ушбу санъат тури билан яқиндан танишиш имконини беради. Озарбойжон халқининг гиламдўзлик тарихи бронза асрига бориб тақалади. Айнан мана шу даврда гилам ушбу мамлакат аҳолисининг уй-рўзгор буюмларидан бирига айланган.

Ўзбекистон-Туркменистон: Анъанавий дўстлик муносабатларини мустаҳкамлаш йўлида

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан 1-2 октябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Ўзбекистон ва Туркменистонни узоқ асрларга тақалувчи тарихий яқин муносабатлар, халқларимизни муштарак маданий ва маънавий қадриятлар, ўхшаш тил, анъана ва урф-одатлар бобда туради.
Ислоҳ Каримов ва Гурбангули Бердимухамедовнинг очкилик ва ўзаро ишонч руҳида ўтган музокаралари чоғида томонлар мамлакатларимиз манфаатлари муштарак эканлигини ва икки давлатда ҳам кенг қўламли ҳамкорликни

ҳар томонлама ривожлантириш учун сиёсий хоҳиш-ирода мавжудлигини, шунингдек, муҳокама қилинган халқаро ва минтақавий аҳамиятга эга деярли барча муаммолар юзасидан Ўзбекистон ва Туркменистоннинг позиция ва ёндашувлари ўхшаш ёки яқин эканлини тасдиқладилар.
Марказий Осиё ва дунёнинг бошқа минтақаларида вазиятнинг шиддат билан ўзгараётганини, давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз ва унинг

оқибатларини ҳисобга оладиган бўлсак, буларнинг барчаси алоҳида аҳамият касб этади.
Шу боис икки давлат раҳбарлари терроризм, экстремизм, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш ва борада биргаликда чора-тадбирлар кўриш, шунингдек, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар.
Ўзбекистон ва Туркменистон Афғонистоннинг яқин қўшилари сифатида темир йўллар барпо этиш, ҳаётий муҳим инфраструктураларни яратиш, электр энергияси ва бошқа зарур маҳсулотларни етказиб бериш бўйича аниқ лойиҳаларни амалга ошириш йўли билан ушбу мамлакатда тинчлик ўрнатиш ишига амалий ҳисса қўшмоқда.

Музокараларда минтақа сув ресурсларидан фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Томонлар ушбу масала бўйича умумий позицияни баён қилдилар — сув-энергетика соҳасига доир масалаларни ҳал қилишда, трансчегаравий дарёларнинг юқори қисмида гидроэнергетика мажмуаларини барпо қилиш БМТ конвенцияларида мустаҳкамлаб қўйилган халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига мувофиқ амалга оширилиши шарт, деган тамойилдан келиб чиқиб иш юритиш лозим. Ушбу ҳужжатлар трансчегаравий дарёлар ресурсларидан фойдаланишда атроф-муҳитга ва қўшни давлатлар манфаатларига зарар етказмаслик тамойилига амал қилишни талаб этади. Ушбу

талаблардан келиб чиқиб, гидроиншоотлар қурилиши лойиҳасини нуфузли халқаро экспертизадан ўтказиш зарур.
Кенгайтирилган таркибдаги музокараларда савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Савдо муносабатларининг ўсиши хусусида гап кетганда 2011 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 69 фоиз ошиб, 500 миллион АҚШ долларига яқинлашганини таъкидлаш жоиз.
Томонлар давлат изчил қўллаб-қувватлаб турса, ўзаро савдо ҳажмини икки мамлакат манфаатлари йўлида янада кўпайтириш яхши истикболларга эга эканига ишонч билдирдилар.

2-бет

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ



Хунарманд кредити

ЎзМТДП ЭЛЕКТОРАТИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ

Кредит олиш ҳар кимнинг ҳуқуқи. Ундан фойдаланишда бозор шароитини пухта ўрганиш, рақобатлашиш ва албатта, даромад ҳам кўриш муҳим аҳамиятга эга. Кредит тадбиркорни кўпроқ излашиш, ишлашга ундайди ва шу асосда тўлов қобилияти шаклланади. Бугунги кунда юртимизда кредит тизими барча соҳаларни қамраб олган. Унинг ёрдамида турли техника ва технологияларни харид қилиш, иш ўринлари яратиш, тўй қилиш, ҳатто, саёҳатга ҳам чиқиш мумкин. Фақат талаб қатъий - қарзни вақтида қайтариш лозим.

АНДИЖОНДАН ХОРАЗМГАЧА
Ҳозир республикамизда банклар томонидан турли кредит омонатлари тақдим этилмоқда. Бу борада тадбиркорнинг фаолияти эркин — ўзи хоҳлаган, кўзи етган кредитларни олиб, фойдаланиши мумкин. Хусусан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Республика "Хунарманд" уюшмаси ҳамкорликда ўтказаятган "Банк кредитларининг оилавий тадбиркорлик ва миллий хунармандчиликни ривожлантиришдаги аҳамияти" мавзусидаги тадбирларни алоҳида эътироф этиш жоиз.

3-бет

КОНФЕРЕНЦИЯ

Ахборот коммуникация технологиялари

СОҲАСИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — МИЛЛИЙ АХБОРОТ МАКОНИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан ҳамкорликда "Сиёсий модернизация жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг долзарб вазифалари" мавзусида илмий-амалий конференция ўтказди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда ахборот соҳаси мутахассислари иштирок этди.

Анжуманда давлат ахборот ресурсларини шакллантириш, ахборот тизимларини яратиш ва ривожлантириш, уларнинг бир-бирига мослиги ва ўзаро алоқада ишлашни таъминлаш, Интернет ва ахборот ресурслари, хизматлари ва ахборот технологиялари бозорини янада ривожлантириш принциплари ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари, ахборотлаштириш ресурсларидан самарали фойдаланиш, ягона ахборот маконини тараққий эттириш каби масалалар атрофида муҳокама этилди.
Маълумки, парламент палаталари қўшма мажлисида тақдир этилган Концепцияда давлат ва жамият қурилиши тизимида ҳозирги замон ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш ахборот соҳасини янада ислоҳ қилишнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган.

4-бет

СИЁСАТ

Ўзбекистон-Туркменистон: Анъанавий дўстлик муносабатларини мустаҳкамлаш йўлида

(Давоми.
Боши 1-бетда)

Транспорт коммуникациялари ҳамкорлигининг яна бир устувор йўналиши ҳисобланади. Ўзбекистон ва Туркменистон яхши интеграциялашган автомобиль ва темир йўл тизимига эга бўлиб, бу Марказий Осиёни Европа ва Форс кўрфазига мамлакатларига чиқиш учун Кавказ минтақаси билан боғлашда муҳим роль ўйнаши мумкин.

Маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик икки халқ ўртасидаги дўстлик муносабатларини мустаҳкамлашда муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Икки мамлакат жамоатчилиги ва санъат усталари иштирокида дўстлик фестивалларини ўтказиш Ўзбекистон ва Туркменистон маданий ҳаётида яхши анъанага айланган. Бундай тадбирлар халқларимизнинг маънавий ва маданий жиҳатдан янада яқинлашишига катта ҳисса қўшмоқда.

Музокаралар якуни бўйича Президентларнинг Қўшма баёноти қабул қилинди. Шунингдек, 2013-2017 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик шартномаси, Ўзаро етказиб беришлар тўғрисидаги битим, Ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида 2013-2014 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Қўшма баёнотда икки томонлама муносабатларни изчил ривожлантириш, фидойи ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар ушбу ташрифни икки давлат ўртасида ўзаро ишончга асосланган олий даражадаги самарали мулоқотнинг мантаний давоми, икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалаларини муҳокама этиш, шунингдек, минтақавий ва халқаро миқёсдаги муҳим муаммолар юзасидан фикр алмашиш имконияти сифатида баҳолаганликларини таъкидладилар. Музокаралар очкилик ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтгани, имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги анъанавий тенг ҳуқуқлилик ва икки мамлакат халқлари манфаати йўлидаги дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Туркменистон Президентига самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ва Гурбангули Бердимухамедовни ўзи учун қулай вақтда мамлакатимизга расмий ташриф билан келишга таклиф этди.

Иқтисодий ҳамкорлик шартномасига мувофиқ мамлакатларимиз савдо-иқтисодий алоқаларни, жумладан, ўзаро товар айирбошлашни кўпайтириш, товар ва хизматлар етказиб бериш ҳамда турларини кенгайтириш, шунингдек, Ўзбекистон билан Туркменистон бизнес-тузилмалари вакиллари ўртасида тўғридан-тўғри муносабатларни ўрнатиш учун қулай

шарт-шароит яратиш орқали ҳамкорликни янада фаоллаштиради. Бундан ташқари, томонлар ташқи бозорларга чиқиш мақсадида транспорт коридорлари ва магистралларни диверсификация қилиш, учинчи мамлакатлар юқларини транзит қилиш учун қулай шароитлар яратишга доир ишларни давом эттиради.

Икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни фаоллаштириш кўзда тутувчи Ўзаро етказиб беришлар тўғрисидаги шартнома ҳар икки давлат вазирилари, идоралари, ташкилот ва корхоналарининг ҳамкорлигини қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришга қаратилган. Бошқача айтганда, мамлакатларимиз товарларни икки тарафлама, жумладан, Ўзбекистондан Туркменистонга енгил ва юк автомобиллари, автобуслар, қишлоқ хўжалик техникаси, эҳтиёт қисмлар, минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситалари, қурилиш материаллари, маиший электр ва электр техника асбоб-ускуналари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берилади. Туркменистондан мамлакатимизга нефть, газ конденсати, полипропилен, полистирол, бишофит, тўқимачилик, қишлоқ хўжалик ва қайта ишлаш санаяти маҳсулотлари, гиламлар етказиб бериш кўзда тутилган.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар ушбу ташрифни икки давлат ўртасида ўзаро ишончга асосланган олий даражадаги самарали мулоқотнинг мантаний давоми, икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалаларини муҳокама этиш, шунингдек, минтақавий ва халқаро миқёсдаги муҳим муаммолар юзасидан фикр алмашиш имконияти сифатида баҳолаганликларини таъкидладилар. Музокаралар очкилик ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтгани, имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги анъанавий тенг ҳуқуқлилик ва икки мамлакат халқлари манфаати йўлидаги дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Туркменистон Президентига самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ва Гурбангули Бердимухамедовни ўзи учун қулай вақтда мамлакатимизга расмий ташриф билан келишга таклиф этди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА Махсус мухбири
Тошкент-Ашхобод-Тошкент.

ЭЪТИРОФ



Таълим-тарбияга эътибор

ЁШ АВЛОД ИСТИҚБОЛИГА ПИЛЛАПОЯДИР

Замонавий билим, юксак малакага эга, янгича дунёқараши ва эркин фикрли ёш авлодни тарбиялашда устоз-мураббийларнинг ўрни беқиёс. Шу боис юртимизда ўқитувчиларнинг шарафли ва масъулятини меҳнатини қадрлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Шу кунларда юртимизнинг барча гушаларида "Ўқитувчилар ва мураббийлар кўни" муносабати билан ташкил этилаётган қатор байрам тадбирларида ана шундай эзгу мақсадлар рўйи ётганлиги намойён бўлмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси Ёшлар масалалари бўлими, партиянинг Тошкент шаҳар Кенгаши ва Низоий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ҳамкорлигида "Устоз ва мураббийларга эҳтиром" мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда партия Марказий Кенгаши, ЎзМТДП фракцияси аъзолари ва Тошкент шаҳар Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони ходимлари, "Ёшлар қаноти" етакчилари, университет профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Истиқлол йилларида таълим тизимини ислоҳ қилиш, малакали кадрлар захирасини шакллантириш, уларни тарбиялашдаги устоз-мураббийларга шарт-шароит ва имкониятлар яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. - деди ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси ёшлар масалалари бўлими бошлиғи Х.Ражабов. — Зеро, таълим тизимини янада ривожлантириш, малакали кадрлар тайёрлашда устоз-мураббийларнинг ўрни беқиёс. Шу ўринда айтиш лозимки, ЎзМТДП Дастурида таълим тизимини янада ривожлантириш ва олинган ютуқларини ҳисобга олган ҳолда сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш орқали инсон омилини ривожлантириш, мамлакатнинг интеллектуал салоҳиятини мустаҳкамлашга йўналиш-

рилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаол иштирок этишга интилади, деб таъкидланган. Шу нуктага назардан, партия зиёлилари ва илмфан эгалари билан доимий ҳамкорлик ўрнатиб, мазкур йўналишда қатор тарғибот тадбирлари ташкил этмоқда. Жумладан, мазкур тадбир бир гуруҳ фан фидойилари меҳнатини рағбатлантириш ҳамда уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда ўқитувчиларнинг машаққатли меҳнатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, ўз ишига ижодий ёндашиши, педагогик изланиши учун барча шарт-шароитлар яратиладиганлигини эътироф этидилар. Ёшларни миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизга нисбатан ҳурмат руҳида камолга етказиш, ўз қизиқишлари бўйича касб-хўнарга жалб қилишга қаратилган саъй-ҳаракатлар натижасида улар халқаро фан олимпиадалари ва нуфузли кўрик-танлов ҳамда фестивалларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқдалар.

Таъкидланганидек, ёшларни бой тарихий ўртамишдек, анъана ва урф-одатларимизга нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни замонавий билимлар эгаси қилиб вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ЎзМТДП томонидан ҳам ташкил этилаётган тарғибот тадбирлари эртаими эгаларининг жисмонан ва маънавий етук баркамол авлод бўлиб вояга етишларида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбир сўнггида санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар, иқтидорли ёшларнинг ижод намуналари иштирокчилар кўнглига



ўзгача шуқуқ бағишлади. Шунингдек, университетнинг бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари га партиянинг эсдалик совғалари топширилди.

Маҳаммадмурод ТОШТЕМИРОВ,
ЎзМТДП Яққасарой туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси:

— ЎзМТДП иқтидорли, истеъдодли ёшларни аниқлаш, излаб топиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қўмаклашиш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, партия "Ёшлар қаноти" томонидан "Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар ёшлар нигоҳида", "Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшларнинг ўрни", "Ўзбекистон ифтихорлари — ёшлар даврасида", "ЎзМТДП ёшларининг миллий хўнарамандчиликни қўллаб-қувватлашдаги ўрни", "Мустиқил юрт ёшлари — келажакимиз таянчи", "Юртим тарихини ўрганаман" каби мавзуларда тадбир, давра суҳбати, ўқув-семинар, форум, фестивал ва кўрик-танловлар мунтазам ўтказилмоқда. Тарғибот тадбирларимизни жамоатчиликка етказишда, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини янада юксалтиришда устозлар маслаҳати ва тажрибасига доимо таянамиз.

Иброҳимжон Йўлдошев,
Филология фанлари доктори, профессор,
Низоий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети тарих факультети декани:

— Юртимизда истиқлол йилларида таълим тизимига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Низоий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети етакчи олий таълим муассасаларидан бири ҳисобланади. Бу даргоҳни битириб чиққан минглаб педагоглар юртимизнинг барча гушаларининг таълим тизимига меҳнат қилиб келмоқдалар. Улар эришган муваффақиятлар эса

доимо бизни қувонтириб келган. Эътироф этиш жоизки, айни пайтда олийгоҳда таълим тизимининг барча йўналишлари бўйича 8 минг нафардан ортиқ талаба таҳсил олмақда. Жумладан, бизнинг тарих факультетида 1100 нафардан зиёд талабага 120 дан ортиқ профессор-ўқитувчи тарих, миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ тарихи йўналишларида сабоқ бермоқда. Факультетимизда ўқитувчи ва талабалар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Хусусан, сўнгги ўн йилда факультетимизда 3 та докторлик ва 15 га яқин номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Фидойий устозлар ташаббуси билан Археология музейи ташкил этилди. Бундан ташқари, интернет глобал тармоғи доимо талабалар ихтиёрида. Мақсад эса, маънавияти юксак мутахассисларни етиштиришдир. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси билан ҳамкорлигимиз эса ёш авлодни миллий-маънавий, тарихий қадриятларимизга ҳурмат ва ўтмиш меросимизнинг ҳақиқий билимдони, замонавий билимлар эгаси қилиб тарбиялашда қўл келмоқда.

Ситора ПАРДАБОЕВА,
Ўзбек тили ва адабиёти факультети 3-босқич талабаси:

— Севимли ёзувчимиз Ўткир Хошимов устозларни чархпалакка ўхшатган эдилар. Сабаби чархпалак ирмоқ ва дарёлардан сув олиб, далаларга улашади. Ҳақиқатдан ҳам устозлар бизни мурғаклигимиздан тарбиялаб, таълим бериб, мустиқил ҳаётга тайёрлади. Таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида юртимизда таълим ва тарбияга ҳамда ўқитувчилар меҳнатига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда замонавий кўрinishга эга мактаб, лицей, касб-хўнара коллеж ва олий таълим муассасалари қуриб фойдаланишга топширилмоқда. Улар жаҳон андозаларига мос ўқув техника жиҳозлари, лабораториялар билан таъминланди. Ана шундай қулайликлар ҳамда устозлар меҳри ўқитувчилик касбини танлашимга сабаб бўлди. Устозлардан олган билимларимни келгусида Ватанимиз тараққиёти йўлида сарфлашимдан бахтиёрман.

Эргаш Хўжаев,
"Milliy tiklanish" мухбири

ПАРТИЯЛАРАО МУНОЗАРА

Юртимизда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш изчил давом этмоқда. Кўппартиявийлик тизими шаклланиб, тақомиллашмоқда. Амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар барча гушаларда бўлгани каби, юртимизнинг жанубий сарҳади Термиз туманида ҳам изчил олиб борилмоқда. Туман вилоятининг Ангор, Музработ, Жарқўрғон туманлари, Термиз шаҳри билан чегарадош. 91 минг нафардан ортиқ аҳоли 9 та шаҳарча, 31 маҳалла ва 5 та қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилади.

Аҳолининг аксарияти қишлоқ хўжалиги билан банд. Битта қўшма корхона, 1165 та тадбиркорлик субъекти, 198 та фермер хўжалиги туман аҳолиси эҳтиёжларини қондириб келмоқда. Шунингдек, хўнарамандчиликнинг қулоччилик, гиламчилик, каштачилик, темирчилик ва дурадгорлик каби 10 дан ортиқ турлари ривожланган. Хусусан, ҳудудда ўтган йили иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари 25,1 фоизни ташкил этган. Шунингдек, 5 та шиφοхона ва 13 та қишлоқ врачлик пунктлари аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Бир

сўз билан айтганда, Термиз туманида ҳам кенг қамровли ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Бу жараёнларда сиёсий партиялар ҳам фаол иштирок этишга интиломоқдалар.

Ҳудудда эришилган ютуқлар билан биргаликда баъзи камчиликлар ҳам мавжуд. Хусусан, юртимизда тадбиркорлик ва хусусий бизнес вакилларига кенг имконият ва шарт-шароитлар яратилаётган бир вақтда, ҳудуд тадбиркорлари фаолиятида барқарорликнинг йўқлиги ёхуд хусусий мулк эгаларининг эркин фаолият юритишлари

Дастурий мақсадлар ижроси

АМАЛИЙ ИШЛАРДА НАМОЁН БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ

тўсиқ бўлаётган айрим муаммолар ҳамон учраб турибди. Маълумки, юртимиздаги сиёсий партиялар ўз электорати, партия хайрихоҳлари ва сайловчилар манфаатларини ҳимоя қилишга қўмаклашишни сайловолди дастурлари орқали ваъда қилишади. Лекин дастурий мақсадлар ижросини таъминлашда айрим халқ депутатлари маҳаллий Кенгашига сайланган депутатлар ва бошланғич партия ташкилотлари оқсоқликка йўл қўймоқда.

Эътироф этиш жоизки, халқ депутатлари Термиз туман Кенгашига ЎзМТДПдан 3 ҳамда "Адолат" СДПдан 7, ЎЗХДПдан 10 ва ЎзЛиДеПдан 4 нафардан депутат сайланган.

Масала моҳиятига қайтади-ган бўлсақ, тадбиркорлар, кичик бизнес вакиллари ва ишбилармонлар манфаатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шарт-шароит яратишга қўмаклашиш ҳамда мазкур йўналиш-

даги қонунлар, қонуности ҳужжатлари, Президент қарор ва фармонлари ҳамда давлат дастурлари ижросини таъминлаш, уларга ижро ҳокимияти эътиборини қаратишга ёрдамлашиш айнан ЎзЛиДеП сайловолди дастуридаги устувор вазифалар сирасига киради. Аммо Термиз туманидаги тадбиркорлик субъектлари ва кичик бизнес вакиллари фаолиятини қузатганимизда, ҳудудда партия дастурий мақсадларини амалга оширишда мазкур сиёсий кучдан сайланган туман Кенгаши депутатлари етарлича саъй-ҳаракат кўрсатмаётганлигини кўриш мумкин. Маълумотларга кўра, турли сабаблар билан айрим тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини тўхтатган.

Албатта тадбиркорлик субъектларининг аксарияти ўз фаолиятларини қонун асосида, ихтиёрий равишда тўхтатган. Аммо баъзи ҳолларда бю-

рократик тўсиқларга дуч келиб ёки банкдан ўз вақтида кредит ололмайд фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган тадбиркорлар ҳам йўқ эмас. Гап шундаки, ушбу масала бирор марта ЎзЛиДеПдан сайланган депутатлар томонидан чуқур

ўрганилиб, таҳлил қилинмаган, халқ депутатлари туман Кенгаши сессияларида кўтарилмаган ва мутасадди ташкилотлар эътибори мазкур муаммага қаратилмаган.

Маълумки, халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатлари ва бошланғич партия ташкилотлари жамоатчиликка энг

яқин қатлам сифатида уларни ўйлантираётган масалаларни ўрганиши, бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш лозим. Аммо, бу жараёнлар ЎзЛиДеП Термиз туман Кенгашида фақат қозғолардагина ижро этилаётти, деган та-

саввур туғилишига сабаб бўлмоқда. ЎзЛиДеПчилар фаолиятида учраётган бундай камчиликлардан тумандаги бошқа сиёсий партиялар холи деган фикрдан йироқмиз. Ачинарлиси, ЎзМТДП Термиз туман Кенгаши вакиллари фаолиятида ҳам ана шундай оқсоқликка йўл

нинг вакиллик органларидаги депутатларнинг ташаббускорлиги орқали ўз ғоя ва мақсадларини амалга оширар экан, бу йўлда оқсоқлик, ўзибўларчиликка асло йўл қўйиб бўлмаслигини унутмасликлари лозим.

қўйилмоқда. Жумладан, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар партия электорати, хусусан, хўнарамандлар, касаначи ва оилавий тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ўйлантираётган масалаларни бартараф этишда ташаббус кўрсатишмаган. Ваҳоланки, партия Марказий Кенгаши плекумида ҳам депутатлик гуруҳи фаолияти жиддий танқид қилинган эди.


Сиёсий партиялар ҳокимият-

нинг вакиллик органларидаги депутатларнинг ташаббускорлиги орқали ўз ғоя ва мақсадларини амалга оширар экан, бу йўлда оқсоқлик, ўзибўларчиликка асло йўл қўйиб бўлмаслигини унутмасликлари лозим.

Эргаш Хўжаев,
"Milliy tiklanish" мухбири

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ



Хунарманд кредити

ЎзМТДП ЭЛЕКТОРАТИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Маълумотларга кўра, Андижон вилоятида ўтказилган ана шундай тадбирлар давомида 33 нафар хунарманд ва тадбиркорга жами 1 миллиард 507 миллион сўм миқдордаги имтиёзли кредит олиш учун сертификатлар берилди, яратилган иш ўринлари 119 та. Самарқандлик 10 нафар хунармандга 220 миллион сўм миқдордаги имтиёзли кредит олиш учун сертификатлар топширилди. Бу жараён партия ва ҳамкор ташкилотлар мутасаддилари томонидан назоратга олинган. Наманган вилоятида таъкил этилган тадбирда эса 25 нафар хунарманд ва тадбиркорга жами 367 миллион сўм миқдордаги кредит олиш имтиёзини берувчи сертификатлар топширилди.

Андижонлик Азиза Абдужаборова ана шундай имтиёзга эга бўлган тадбиркорлардан.

— Тикувчиликка қизиқшим сабаб, цех очганим. Яқинда 3 фойзли устама билан олган 3 миллион 100 миң сўмлик кредитга янги тикув дастгоҳи харид қилдик. Эндиликда цехда турли пардалар, хотин-қизлар сумкалари, кийим-кечаклар қўл-қўлга тегмай тақилмоқда. Ишимиз кўнгилдагидек, ҳозир харидорларнинг ўзлари келиб, буюртмалар бермоқда. Бу одамларнинг кичик қорхона-маъраза ширинчи ортиб бораётганидан далолат эмасми?

Азиза Абдужаборовани

бармоғидан хунар томган аёл, дейишди маҳалладагилари, даромади ҳам баракали. Унинг этагидан тутган киши кези келса, овқат пиширишга ҳам вақт тополмайди. Шу боис қизлар ҳавас қилиб, шогирд тушади. “Тикувчилик-этибор талаб, вақтнинг ўтгани сезилмайдиган иш”, дейди Азиза Абдужаборова. — Ёз ойларида маҳалламизнинг хунарға қизиққан қизларини ёнимга оламан. Ахир хунарларнинг ризиқи ҳам унади.

Худди шунча миқдордаги кредитни хонободлик қилиш тикиш билан шугулланаётган яққа тадбиркор Санобар Раҳимова ҳам олган.

— Тўғриси, 2-3 йилдан бундан кўра таъкил этилган тадбирда эса 25 нафар хунарманд ва тадбиркорга жами 367 миллион сўм миқдордаги кредит олиш имтиёзини берувчи сертификатлар топширилди.

Андижонлик Азиза Абдужаборова ана шундай имтиёзга эга бўлган тадбиркорлардан.

— Тикувчиликка қизиқшим сабаб, цех очганим. Яқинда 3 фойзли устама билан олган 3 миллион 100 миң сўмлик кредитга янги тикув дастгоҳи харид қилдик. Эндиликда цехда турли пардалар, хотин-қизлар сумкалари, кийим-кечаклар қўл-қўлга тегмай тақилмоқда. Ишимиз кўнгилдагидек, ҳозир харидорларнинг ўзлари келиб, буюртмалар бермоқда. Бу одамларнинг кичик қорхона-маъраза ширинчи ортиб бораётганидан далолат эмасми?

Азиза Абдужаборовани

тиқлол шарофати билан вилоятда миллий хунармандчилик қайтадан кўз очиб, янада кенг қулоч ёйди. Бугун Хива ва Хазрасп чеварлари томонидан чи-накам санъат асари даражасига етказилган гиламларнинг довуғи ҳатто хоржидда ҳам машхур. Соз усталар ясаган дутор ва танбулар, темирчиларнинг меҳнат маҳсули бўлган турли буюмлар халқ бадий хунармандчилигининг ноёб намуналари сифатида алоҳида эътироф этилади. Хивалик чеварлар тиккан тўй либослари, зар тўнлар, болаларнинг бе-зақли кийимларига қойил қол-май илож йўқ. Шу жиҳатдан ҳамкор ташкилотлар томонидан мазкур вилоятда халқ амалий санъати, хунармандчилик ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. ЎзМТДП ташаббуси билан Хива шаҳрида ўтказилган семинарда 20 нафар хунарманд ва тадбиркорга жами 574 миллион сўм миқдордаги имтиёзли кредит олиш учун сертификатлар топширилди, 51 та янги иш ўринлари яратилди.

Мазкур тўртта вилоятда ташкил этилган амалий тадбирлар давомида жами 2 миллиард 669 миллион сўмлик кредит сертификати топширилди. Бу аввало, партия электорати манфаатлари билан бир қаторда, инсон интилишларининг самараси, унинг хурсандчилиги, оиласининг тўққислиги, мамлакатимиз иқтисодий фаровонлиги ётади. Имтиёзли кредит соҳиблари бўлган хунарманд-

лар ва тадбиркорларнинг эътироф этилиши, бундай хайрли ишлар замирида партия электорати бўлмиш хунармандларни қўллаб-қувватлаш орқали миллий хунармандчилик ва “уста-шогирд” анъанасини ривожлантириш, “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурида белгиланган маҳаллаларда оилавий бизнесни йўлга қўйишга қўмаклашиш, касаначи хотин-қизларга қўшимча шароит ва имтиёзлар яратиш, уларга банк имтиёзли кредитларининг ажратилишида қўмак бериш, аёллар бандлиги ва коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш ва бошқа қўллаб-қувватлаш мақсадлар мужассам.

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛАР КЎПАЙСА, ЯХШИ-ДА

Банкдан ўз вақтида кредит олиш имконини тадбиркорлик фаолиятининг муҳим шартларидан биридир, айниқса, бугунги бозор иқтисодиёти шароитида. Зеро, бу иш фаолиятини янада кенгайтириш, ўйланган режаларни тез ва сифатли амалга ошириш имконини яратади. Ана шундай имконият соҳибларидан бири 25 ёшли икки нафар фарзанднинг отаси хивалик Неъматжон Саидов. Ёш бўлишига қарамай, пухта ва тадбиркорлик хислатларини ўзида ҳам қилган хунарманд Хива туманида дурадгорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун Миллий банкнинг Урганч филиалдан 60 миллион сўм кредит олган.

Неъматжон хунармандлар оиласида туғилган. Отаси Мадрид уста ясаган эшик ва ромлар нафақат қадимий ва навқир Хивада, балки бутун воҳода харидордир. У ҳам оғалари қатори болалигидан отасининг ёнидан жилмайди, ясалган буюмларга ҳайрат билан қараб, турли саволларга жавоб излайди. Унинг қалбида туғилган ҳавас ва ташаббусига айланган ўқувчилари ийларидек отасининг чинакам шогирдига айланди. Коллежни тамомлагач, дурадгор уста сифатида иш бошлади. Ҳозир у ясаган ёғоч буюмлари, ойна эшиклар қўллаб ҳонадонларга фойз бағишламоқда.

— Имтиёзли кредитни қўлга киритишим фаолиятимнинг янада такомиллаштиришга сабаб бўлди, - дейди ёш хунарманд. — Ушбу маблағга оим-ашё, станок, умуман қоғолимнинг учун зарур барча жиҳозларни сотиб олдим. Иш кўлами янада ортган, буюртмалар ҳам шунга яраша. Истиқлол туфайли уй-жойларнинг кўриниши ҳам ўзгарди, - замонавий. Шаҳару кишлоқларимизда қўллаб ана шундай янги иншоотлар, бинолар бунёд этилмоқда. Уларда ўзимиз ясаган дераза ва эшикларни кўриб қуруримиз ортади.

— Биринчи устозим отам, илк шогирдим эса Иззат — менинг укам, - дейди Неъматжон. — У ҳам ота касбининг давомчиси, қонидан бор-да, нозик ишларни тезда англаб олади. Оилавий тадбиркорлик кенгайиб, “Устоз-шогирд” мактаби шаклланиб бораётганидан хурсандман.

— Дарҳақиқат, Президентимизнинг 2010 йил 30 мартда қабул қилинган «Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони асосида Республика «Хунарманд» уюшмаси аъзоларига солиқ тўлашда яратилаётган имтиёзлар соҳани ривожлантиришда муҳим омил бўлди, - дейди Республика хунарманд уюшмаси раиси, ЎзМТДП Марказий Кенгаши аъзоси Муҳаммадюсуф Курбоннов. — Биз жойларда «Устоз-шогирд» мактабини янада ривожлантириш, ёшлар, хунарға меҳр қўйганлар ўқиби-ўрганиши учун қўлдан келганча ёрдам берамиз. Қанча хунарманд ўз ишини йўлга қўйса, ёшларни касбга ўргатиш имконини шунча кенгайди. Бунинг учун хунармандларга кредит ва амалий қўмақлар зарур. Ҳозир ЎзМТДП, Республика «Хунарманд» уюшмаси ва Марказий банк томонидан ўтказилаётган тадбир бу борада катта ёрдам бермоқда. Оилавий тадбиркорлар кўпайса, яхши-да...

Парламент палаталарининг қўшма мажлисида илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да тараққиётимизнинг янги даври вазибалари ҳамда асосий йўналишлари белгилаб берилди. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка қаратилаётган эътибор туфайли мазкур соҳа мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг устувор йўналишига айланиб бораётган Юртимизнинг барча ҳудудларида хунармандчилик, хусусий ва оилавий тадбиркорлик билан шугулланаётган юртдошларимизни иқтисодий қўллаб-қувватлаш, имтиёзли кредитлар ажратиш орқали хотин-қизлар, ёшлар, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчилари ишли бўлиб, хунар ўрганмоқда, хунарманд усталарнинг эса меҳнат шароити янада яхшилашиб, касб маҳоратлари оширилди. Бу орқали ЎзМТДП сайловолди Платформасида кўзда тутилган «уста-шогирд» анъаналарини миллий хунармандчилигимизга кенг тартиб эътибори қаратишга йўналтирилди. Бундай саъй-ҳаракатлар халқ хунармандчилиги ва амалий санъатининг умри боқийлигини кўрсатиб турибди.

Бехбуд БОТИРОВ, «Milliy tiklanish» мухбири

ПАРТИЯ ХРОНИКАСИ

Устозлар ибрати

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИДА МУХИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ

КОРАҚАЛПОГИСТОН

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Тахиятош шаҳар Кенгаши «Ёшлар қаноти» ташаббуси билан «Ёшлар — мустаҳкам оила ва бахтли келажак иштирокчиси» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда партия Тахиятош шаҳар Кенгаши аъзолари, халқ депутатлари шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, «Ёшлар қаноти» етакчилари, шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамда «Камолот» ЕИҲ шаҳар Кенгаши бўлими ходимлари, маҳалла фаоллари ва ёшлар иштирок этди.

Тадбирни ЎзМТДП Тахиятош шаҳар Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Э.Сарсенбаева кириш сўзи билан очиб, жумладан, шундай деди:

— Тадбир ёшларга оила қадриятларини асраб-авайлаш лозимлиги, уни барпо этиш нақадар муҳим ва масъулиятли экани, ёш авлодни оила қуришга тайёрлаш ва бу борадаги билимларини оширишга қўмаклашиш мақсадида ташкил этилди. Чунки, жамиятнинг асосини оилалар ташкил этади. Уларда ўсиб, тарбия топаётган фарзандлар ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол бўлиши жамиятимизнинг келажagini белгилаб беради. Шу боис, партияимиз ёшларнинг бу борадаги билимларини ошириш, сайловолди Платформасида илгари сурилган мақсад ва вазифаларни кенг тарғиб этиш мақсадида турли тадбирларни ташкил этиб келмоқда. Мазкур тадбир ҳам шундай эзгу мақсадлар рўёбига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Тадбирда аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, ёшларнинг тиббий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ҳамда соғлом фарзанд дунёга келишини таъминлаш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Тошкент шаҳар ҳамда Шайхонтохур туман Кенгашлари ҳамкорлигида «Муостақилликни қадрлаш-тарихимизни эъзозлашдан бошланади» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда партия Тошкент шаҳар Кенгаши аъзолари, халқ депутатлари шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, «Аёллар қаноти» ва «Ёшлар қаноти» етакчилари ҳамда ёшлар иштирок этди. Тадбир партия аъзолари ва хайрихоҳларига миллий урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлаб, тарихий, маданий меросимизни руҳини тарғиб қилиш ҳамда ёш авлод қалбида ватанпарварлик туйғусини янада юксалтириб, истиқлол инъом этаётган неъматларнинг қадрига етишни чуқур англашларига қўмаклашиш мақсадида ташкил этилди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони раҳбари Д.Сафаров мамлакатимизда муостақилликни мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар, «Ўзбек модели»нинг мазмун-моҳияти, жамиятнинг асоси бўлмиш оилаларга берилган эътибор ҳақида батафсил тўхталиб ўтди.

— ЎзМТДП кўнча тарихимиз, бой меросимиз, миллий давлатчилигимиз, урф-одат ва анъаналаримизни қайта тиклаш, ёшларни асрлар оша кадр топиб келаётган анъаналарнинг давомчилари эканликларига ишонч билдириб, уларнинг маънавий онгини юқори даражага кўтаришни ўз олдига мақсад қилган, - деди ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши «Аёллар қаноти» мутахассиси М.Поянова. — Партияимиз бугунги кунда меҳр-оқибат, баррикентлик, ҳамжиҳатлик каби олийжаноб қасблар, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат, Ватан тақдирини ва келажакда дахлдорлик туйғусини ҳар бир ўзбек фарзанди юрагининг туб-тубидан ўрин олиши учун қўмаклашишга ҳаракат қилмоқда. Бугунги тадбиримизни ҳам шу мақсадда ташкил қилдик.

Тадбир якунида ёшлар томонидан она Ватан ва истиқлолни мадҳ этувчи куй ва қўшиқлар ихро этилди.

ЖИЗЗАХ

ЎзМТДП ёшларни ўз Ватанини севиш, у билан фахрланиш, халқнинг урф-одат, анъана ва қадриятларини асраш ҳамда ҳимоя қилиш руҳида тарбиялашга ҳисса қўйишни мақсад қилган. Шу боис жойларда ёш авлод сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган турли тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда.

ЎзМТДП Жиззах вилояти Кенгаши томонидан «Глобаллашув жараёнлари ва маънавий таҳдидлар» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда партия вилояти Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони ходимлари, халқ депутатлари вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, партия фаоллари, ёзувчилар уюшмаси Жиззах вилояти бўлини маси қошидаги «Санзор» клуби ижодкор ёшлари иштирок этди.

Давра суҳбатини ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони раҳбари С.Расулوف кириш сўзи билан очиб, истиқлол йилларида ёшлар учун яратилган кенг имкониятлар ҳақида тўхталиб, унга жавобан келажак эгалари ҳақиқий ватанпарвар, миллий ғояга содиқ бўлишлари лозимлигини таъкидлади.

— Ёшларни «Оммавий маданият» никоби остида кириб келаётган турли хуружларга қарши тура олиш руҳида тарбиялаш, улар онгида мафкуравий иммунитетни кучайтириш ҳар биримизнинг асосий бурчимиздир, - деди ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони бош мутахассиси Б.Болтаева. — Бунинг учун уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида миллий маънавиятимиз ва маданий меросимиздан гувоҳлик берувчи обидаларни зиёрат қилиш, маданий ҳордиқ олишлари учун театрлар ва турли кўрик-танловларга жалб этиш лозим деб ўйлаймиз. Келажак эгалари бўлган ёшларни теран муҳофадага қорловчи, миллий мақсадлар ва манфаатларни ёфода этувчи тадбирларни ташкил этиш орқали биз қўзлаган мақсадимиз томон боришимиз мумкин.

Тадбирда партия вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони мутахассиси Р.Нурматов ҳамда Жиззах Олимпиа заҳиралари коллежи директор ўринбосари Д.Ражабовнинг мавзу доирасидаги маърузалари тингланди.

НАВОИЙ

Мамлакатимизда устоз ва мураббийларга юксак ҳурмат қўрсатиш, улар меҳнатини қадрлаш, ҳар жиҳатдан гамхўрлик қилишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Зеро, ёш авлодни чуқур билимли, юксак салоҳиятли ҳамда ҳар жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашдек масъулиятли касб эгалари чиндан ҳам эътибор ва эъзозга лойиқдир.

ЎзМТДП Учкудук туман Кенгаши ҳамда туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган «Устозлар ибрати» мавзусида тадбирда ҳам айна масалалар хусусида сўз юритилди.

— Юксак маънавиятли ёш авлодни тарбиялаш, ўқувчилар орасидан интеллектуал салоҳиятли ёшларни аниқлаш ва уларга ҳар томонлама қўмак беришда устоз-мураббийларнинг тажрибаси муҳим аҳамият касб этади, - деди партия Учкудук туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси У.Тайирова. — ЎзМТДП сайловолди Платформасида партия Ўзбекистоннинг илмий зиёлиларини қўллаб-қувватлашни асосий мақсадиридан деб билади, дейилган. Шу боис партия Кенгашиимиз ҳам устоз ва мураббийларни рағбатлантириш йўналишидаги тадбирлар ўтказишни доимий йўлга қўйган. Бу эса ёшларда таълим берган устозларига нисбатан меҳр туйғусини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда ёш авлод таълим-тарбиясида маъсул бўлган устоз-ўқитувчиларнинг соҳада зришаётган ютуқлари эътироф этилди. Якунда кўп йиллик тажрибага эга бўлган туман маорифи ходимларига партиянинг эсдалик совғалари топширилди.

Шоҳида ДАМАНОВА, «Milliy tiklanish» мухбири

БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ — БОШ ТАЯНЧИМИЗ

Тиббиёт тараққиёти

УНГА ҚЎЙИ БЎҒИН ФАОЛЛАРИ ҲАМ МУНОСИБ ХИССА ҚЎШИШМОҚДА

қайта таъмирдан чиқарилган кўп тармоқли марказий поликлиника замонавий даволаш ускуналари билан жиҳозланди. Унда 127 нафар олий тоифали шифокор, 750 нафар ўрта махсус ва 240 нафар кичик тиббий ходим худуд аҳолисига малакали хизмат кўрсатиб келмоқда.

— Соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар туманимиз ҳаётида ҳам ўз ифодасини топомқда, - дейди туман кўп тармоқли марказий шифохонаси бош шифокори Ҳикмат Ваҳобов. — Даволаш-профилактика муассасалари моддий-техник базасининг мустаҳкамланиши, ходимларнинг малакасини ошириш ва уларнинг меҳнатлариға ҳақ тўлаш ҳамда рағбатлантириш тизимининг ҳар томонлама қайта кўриб чиқилиши аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни сифат жиҳатдан сезиларли даражада яхшилаш имконини берди. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси билан ўрна-тилган ҳамкорлик эса соҳа вакиллариининг жамият ҳаётида юз

бераётган ижтимоий-сиёсий ислохотлар жараёнида фаолигини ошириш, қонун ва давлат дастурлари мазмун-моҳияти ва аҳамиятини янада теранроқ англашларида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу боис муассасада ЎзМТДП бошланғич партия ташкилоти тузилди ва самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, 2009 йилда ташкил этилган кўйи бўғин дастлаб 27 нафар партия аъзосини бирлаштирган. Айни пайтда БПТ фаоллари 100 нафардан орди.

— Бошланғич партия ташкилотларининг самарали фаолияти сиёсий партиянинг мақсад ва ғояларини амалга оширишда алоҳида ўрин тутди, - дейди ЎзМТДП Бўқа туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Эркин Назаров. — Шу нуқтага назардан, кўйи бўғинлар фаолиятини янада жонлантириш мақсадида ЎзМТДП туман Кенгаши томонидан «Истиқлол ва миллий қадрият», «Миллатни юксак

маънавият ва тарбия асрайди, улуғлайди», «Муостақиллик - миллий тикланиш ва юксалишдир», «Ёш оилалар мустаҳкам ва таъминланган маънавий — ҳуқуқий асослари», «Оналик ва болалик — давлат ҳимоясида» ва «Ёш оилалар — келажак пойдевори» каби мавзуларда қатор давра суҳбати, тарғибот тадбирлари ва ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда. Бунинг ижобий самараси ўлароқ, тумандаги бош таянчларимиз фаолиги ортиб, партия дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган ишлари сезиларли даражада жонланди. Жумладан, мазкур БПТ ҳам электорат манфаатларини таъминлаш, юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида фаол иштирок этишга интилаётган кўйи бўғинлар сирасига қиради.

Дарҳақиқат, БПТ томонидан ўтказилаётган тадбирлар, асосан, партия туман Кенгаши ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кен-

гаш депутатлари билан ҳамкорликда ташкил этилмоқда.

— ЎзМТДП ғоя ва мақсадлари миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш ҳамда келгуси авлодларга бекаму-қўст етказишга қаратилганлиги партияга аъзо бўлишга ундади, - дейди БПТ фаоли, олий тоифали шифокор Шаҳина Пардаева. — Қолавериб, марказимизда бошланғич ташкилот тузилганлиги ижтимоий-сиёсий фаоллигимизни янада ошириш ҳамда соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ва қабул қилинаётган қонунлар билан яқиндан танишишда муҳим ўрин тутмоқда. Бундан ташқари, бошланғич партия ташкилоти томонидан партия электорати манфаатларини таъминлашга қаратилган ишлари янада жонлантириш имконини бермоқда.

Баҳоидир ХОЛМАТОВ, ЎзМТДП Тошкент вилояти Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони ходими

Инсон ҳаёти, саломатлиги ҳамма нарсадан азиз. Шу боис мамлакатимизда истиқлолнинг илк қула-ридан соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳа тараққиётига қаратилган қатор қонунлар ва давлат дастурлари қабул қилинди.

Хусусан, «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги ва 2007 йил 19 сентябрда қабул қилинган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш» ни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастури» ни амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Президент фармонларида белгилаб берилган вазифалар соҳа тараққиётига берилган юксак эътибор намунасидир.

Бугунги кунда Тошкент вилоятида ҳам тиббиёт тизимини ривожлантириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, вилоятнинг Бўқа туманида кўп тармоқли марказий поликлиника, 2 та тез тиббий ёрдам филиали ва 15 та кишлоқ врачлик пунктлари фаолият кўрсатмоқда. Утган даврда

ЎЗМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

● **КОНФЕРЕНЦИЯ**

Ахборот коммуникация технологиялари

СОҲАСИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — МИЛЛИЙ АХБОРОТ МАКОННИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бинобарин, ахборот-коммуникация технологиялари сиёсий модернизация, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан илдам ривожлантириш жараёнларида тобора муҳим рол ўйнамоқда.

— Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари, мобиль алоқа, рақамли телевидение, интернет хизматларини ривожлантиришнинг мустақам норматив-ҳуқуқий базаси яратилди, — деди ЎЗМТДП фракцияси аъзоси Шухрат Деҳқонов. — Хусусан, ўтган даврда ушбу соҳага тегишли 11 та қонун, 3 та фармон, мамлакат Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг 40 дан ортиқ қарори қабул қилиниб, босқичма-босқич ва тизимли ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида компьютер техникаси билан таъминланганлик даражаси 75 фоиздан юқори бўлиб, қозғосиз ҳужжат айланиши 80 фоиздан ортиди. Деярли барча давлат органларининг Интернет глобал тармоғида расмий веб-сайтлари фаолият кўрсатмоқда. Факт ва рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, бугунги кунга келиб электрон рақамли имзо қалити эгаларининг сони 280 мингга ошди. Интернетда умумий фойдаланишдаги пунктлар сони 1050 тани ташкил этмоқда. 195 та давлат ахборот ресурслари яратилиб, аҳолига 197 турдаги давлат интерактив хизматлари кўрсатилмоқда. 1026 та ахборот-кутубхона муассасалари ташкил этилган бўлиб, Интернет жаҳон ахборот тизимига уланиш тезлиги 6850 Мбит/с ташкил этмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг барқарор суъратлар билан ўсиб боришида ушбу соҳанинг ўрни ва аҳамияти беқиёс даражада ортиб бормоқда. Хусусан, алоқа ва ахборотлаштириш тизимидаги компания, корхона ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш қувватлари ҳамда хизмат кўрсатиш даражаси ҳамда суъратлар билан ошиб бориб, янги технологиялар, инновацион ечим ва лойиҳалар жамият ҳаётининг барча жабҳаларига кенг жорий этилмоқда. Яна шуни алоҳида эътиборга олиш керак, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартдаги “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ахборот соҳасидаги кенг қамровли ислохотларни жадаллаштиришда муҳим омил бўлди. Албатта, соҳада амалга оширилаётган бу каби кенг қамровли ислохотлар мамлакатимизда Миллий ахборот маконини янада тараққий этиши ва унинг жаҳон ахборот тизимига интеграциялашувига хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг сайловолди Платформаси ҳамда дастурий ғоя ва мақсадларида кўзда тутилган вазифаларга ҳамохандир.

Маърузаларда давлат органлари, шунингдек, юридик ва жисмоний шахслар ахборот тизимларининг босқичма-босқич интеграциялашувига асосида Миллий ахборот тизимини шакллантиришни таъминлаш, давлат органларининг ўз функцияларини бажаришда тезкорлик ва сифатни оширишга им-

кон берувчи фаолиятини автоматлаштириш ахборот тизимларини яратиш, давлат органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига кўрсатилган интерактив давлат хизматлари рўйхатини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш, тегишли ахборот ресурсларидан кенг қўламда фойдаланишни таъминлаш жараёнлари ҳақида мулоҳазалар юритилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутатлари ўзчиқилларида ахборот ресурслари, технологиялари ва тизимларини, шу жумладан, ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимларини ривожлантириш ҳолатини ҳисобга олиб, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида қонунчиликни ҳамда бошқариш тизимини тақомиллаштириш юзасидан аниқ таклифлар билдиришди.

Муҳокамалар жараёнида ахборот технологиялари бозорининг муҳим қисми бўлган дастурий таъминот индустриясини ривожлантиришнинг қонунчилик асосларини тақомиллаштириш юзасидан ҳам аниқ таклифлар ва тавсиялар билдирилди. Хусусан, дастурий таъминот ишланмалари яратиш ва уларни етказиб бериш соҳасида давлат буюртмалари тизимидан фойдаланиш, дастурий таъминот индустриясига келаётган инвестиция оқимини ҳуқуқий жиҳатдан рағбатлантириш, дастурий маҳсулотлар индустриясини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг мақсадли дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бу борадаги муҳим чоралардан бири сифатида таклиф қилинди.

Конференцияда сўзга чиққанлар 2012-2014 йилларда Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш дастурининг бажарилиши бўйича ҳар томонлама ва батафсил ахборот бердилар. Жумладан, 2012-2014 йиллар даврида давлат ва ҳўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг Миллий ахборот тизимига уланидиган ахборот тизимлари рўйхати-га киритилган бир қатор долларб лойиҳаларнинг бажарилиши, хусусан, тадбиркорлик ва тижорат фаолиятида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишни ривожлантириш ва рағбатлантириш, бу борадаги илмий тадқиқотлар натижалари тўғрисидаги ахборотларни йиғиш, ишлов бериш, тизимлаштириш ва сақлаш, уларни ама-лиётга жорий этиш самараси, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида йиғма электрон каталогни яратиш ҳамда тўла маълумотлар электрон базасидан фойдаланишни таъминлаш масалалари бўйича йиғилганларга зарур маълумотлар тақдим этилди.

Ўтказилган тадбир ахборот ва телекоммуникация технологиялари соҳаси, маълумот узатиш тармоқларини ривожлантириш ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда ҳозирги замон талаблари, халқаро стандартларга мос равишда алоқа ва ахборотлаштириш миллий тизимини фаолиятини янада тақомиллаштириш бўйича қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш имконини берди.

Илмий-амалий конференция якунида мамлакатимизда сиёсий модернизация жараёнларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг қўламда фойдаланишни таъминлаш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.



Партия тадбиридан лавҳа

Парламент палаталарининг қўшма мажлисида тақдим этилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси” мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий-иқтисодий тизимини тубдан ўзгартириб, уни янги босқичга олиб чиқмоқда.

Унда белгиланган устувор-вазифа, мақсад ва ғоялар сиёсий партиялар, айниқса, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар зиммасига алоҳида масъулият юклади. Хусусан, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, мамлакатни демократлаштириш ва аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, қонунлар, Давлат дастурлари ижроси юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда депутатлардан янада фаоллик ва ташаббуслорлик талаб этилади.

Таъкидлаш жоизки, жорий “Мустақам оила йили” да жамиятнинг асосий бўғини бўлган

● **ДЕПУТАТ МИНБАРИ**

Қонун устуворлиги

ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРАДИ

оила институтини мустақамлаш ва ривожлантириш, унинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашни янада кучайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашидаги ЎЗМТДП депутатлик гуруҳи томонидан ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, депутатлик гуруҳи 2012 йил “Мустақам оила йили” Давлат дастури ижросини бажариш бўйича ёш оилаларни мустақамлаш, уларни ўйлантираётган муаммоларини ҳал этиш, уларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш, қабул қилинган қарор ва фармонлар ижроси юзасидан тушунтириш ишларини олиб бориш масалаларига алоҳида эътибор қаратаёпти.

Хусусан, партия депутатлик гуруҳи ҳудудда “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида” ги Қонун ижросини таъминлаш борасида жамоатчилик орасида тарбиёт

ишларини олиб бормоқда. Маълумки, оила мустақамлигини таъминлашда иқтисодий омиллар асосий ўринга эга. Шу боис, юртимизда фойдали меҳнат билан банд бўлган, хусусан, ўз оилавий бизнесини муваффақиятли йўлга қўйган хонадонларга барча шарт-шароит ва имкониятлар яратиб берилмоқда. Эътибор этиш лозимки, ушбу қонун бизнесининг янги тури - оилавий бизнеснинг ташкилий ҳуқуқий шаклини белгилаб берди. Шу билан бирга, бу турдаги фаолиятни давлат томонидан рағбатлантириш мустақамланди. Оилавий корхона аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, меҳнат муносабатлари тартибга солинди. Унга мувофиқ, оилавий корхона оила яшаб турган турар жойда фаолият юритиши ва ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни шу жойнинг ўзида сотиши мумкин. Мамлакатимизда миллий аъналаримиз ва ҳўжалик фаолиятнинг объектив воқеаларига тўлиқ мос келадиган

оилавий тадбиркорлик кенг қулоч ёймоқда. Янги иш ўринлари ташкил этилиб, оилалар, умуман, бутун халқимиз фаровонлиги юксалиб бораёпти.

Шунингдек, партия депутатлик гуруҳи ЎЗМТДП Марказий Кенгашининг VII пленумида тақдим этилган “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий Дастури” нинг ижроси ҳолатини ўрганиш” мавзусини халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияси кун тартибига киритиш ҳамда ЎЗМТДП сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, миллий хунармандчилик, касаначилик, оилавий тадбиркорлик ва туризмни ривожлантириш борасидаги савий-ҳаракатларга кўмаклашиб келмоқда. Масалан, 3615 нафар аҳоли истиқомат қиладиган Сирдарё шаҳарчасидаги “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғинида 1005 та оила мавжуд. Шундан 1735 нафарни хотин-қизлар ташкил этади. Маҳаллада 15дан

ортиқ кадрларимиз давомчилари миллий хунармандчиликнинг темирчилик, ёғоч ўймакорлиги, сангтарошлик, қосибчилик, каштачилик, тикувчилик каби йўналишларида фаолият кўрсатмоқда. Аҳамиятлиси, ЎЗМТДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан маҳалладаги 28 та кам таъминланган оилалар фарзандлари ана шу хунармандларга бириктирилди.

ЎЗМТДП вилоят Кенгаши билан ҳамкорликда “Баҳор” маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган тадбирда эса оилавий тадбиркорлик ва унинг ҳуқуқий асосларини жамоатчиликка етказиш, ёшлар орасида жамият ҳаётида рўй бераётган кенг қамровли ислохотларга дахлдорлик туйғусини янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, қонун ва қарорлар мазмун-моҳияти, уларнинг ижроси ҳақида тушунчалар берилди. Бундай учрашув ва тадбирларда жойлардаги муаммо ва камчиликларни бартараф этишда сайловчиларнинг таклиф ва мулоҳазаларига таянган ҳолда иш олиб борилмоқда.

Барно ИСЛОМОВА,
ЎЗМТДПдан сайланган халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши депутати,
хўжашуно

● **АЁЛЛАР ҚАНОТИ**

Миллийликка йўғрилган туйғулар

ЎЗМТДП ТАШАББУСИ БИЛАН ЁШ РАССОМЛАР КўРИК-ТАНЛОВИ ЎТКАЗИЛДИ

Келажак эгалари бўлмиш ёш авлодни билимли, маънавий баркамол ва жисмонан соғлом қилиб вояга етказиш, ўғил-қизларнинг ватанпарвар, фидойий инсонлар бўлиб етишишида улар ўртасида ўтказиладиган кўрик-танловлар, ижодий-интеллектуал беллашувлар ва спорт мусобақалари муҳим аҳамият касб этади.

Бир неча йилдирки, ЎЗМТДП ташаббуси билан жойларда мустақиллини мустақамлаш, маънавий ва миллий кадрларни тиклаш, урф-одат ва аъналаримизни кўз қорачиғидек асраб-авайлашда миллий туйғуларнинг ўрни ва аҳамиятини тарғиб қилиш, ёшларда миллий онг ва маданиятни шакллантириш ҳамда ёш иқтидор эгаларини кашф этиш мақсадида “Миллийликка йўғрилган туйғулар” номи ёш рассомлар кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда.

ЎЗМТДП Шофиркон туман Кенгаши “Аёллар қаноти” ташаббуси билан туман ҳокимлиги, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, “Баркамол авлод” ижодий маркази, туман касб-хунар таълими бўлими ҳамкорлигида ёш рассомлар кўрик-танлови ўтказилди. Мустақиллигимизнинг 21 йиллигига бағишлаб ўтказилган маскур

кўрик-танловда туманининг 21 нафар иқтидорли ёшлари ўзаро беллашдилар.

Кўрик-танлов шартлари бўйича иштирокчилар ўз маҳорат ва миллий-маънавий саводхонликларини ишга солиб, яратган тасвирий санъат намуналарини ҳақамлар ҳайъатига тақдим этдилар. Ижодий ишларни баҳолашда асосан, расмларнинг мавзуга мослиги, унда бадиийлик ва образлиликнинг акс этганлиги, рассомларнинг ижодкорлик маҳорати, айниқса, миллий руҳнинг мавжудлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Танлов ҳайъатининг қарорига кўра, Шофиркон мусиқа ва санъат мактаби вакиласи Г.Аминова 1-ўринни қўлга киритди. Х.Ахтамова ва М.Бобомуродова иккинчи ҳамда Ш.Латипова ва М.Қосимовлар учинчи ўринга лойиқ деб топилдилар. Ғолиб ва совриндорлар ЎЗМТДП Шофиркон туман Кен-



С. ТОШЕВ,
ЎЗМТДП Бухоро вилоят Кенгаши етакчи мутахассиси:
— Кўрик-танлов қизгин баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтди. Фахр билан айтишимиз мумкинки, бугунги кун ёшлари Ва-

таннимизнинг бой тарихи, миллий урф-одат ва аъналарини билан қизиқиб, уни пухта ўрганишмоқда. Бу уллар томонидан танловга тақдим этилган ижодий ишларда ўз аксини топиб турибди. Уларнинг илк қизиқишларини қўллаб-қувватлаб, ҳар жиҳатдан кўмак бериш партия-миз олдида турган муҳим вазифалар сирасига қиради. Танлов иштирокчилари орасидан кела-

жакда етук рассомлар, маданият ва санъат арбоблари этишиб чиқишига ишонамиз.

Г.АМИНОВА,
кўрик-танлов ғолиби:

— Юртимизда ёшларнинг билим олиши, касб-хунар ўрганиши ва иқтидорини намоён этиши учун барча имкониятлар яратиб берилган. Таъкидлаш жоизки, иқтидоримизни юзага чиқаришда турли кўрик-танлов, фестивал ва лойиҳалар муҳим аҳамият касб этмоқда. Мен расм чизишга қизиқман. Табиат манзаралари, миллий урф-одат ва аъналаримиз ҳамда миллий либослар акс этган жараёнларни қалам воситасида тасвирлашга ҳаракат қиламан. Бугунги кўрик-танлов баҳонасида миллий руҳдаги ишларим сони янада ортиди. Менда айнан шу йўналишда ижод қилишим лозимлиги ҳақида бир фикрга келиб олиш имкони туғилди. Партия томонидан ташкил этилаётган бу каби кўрик-танлов ҳамда тадбирлар партия мақсад ва ғояларини кенг жамоатчилик орасида тарғиб этилиши ҳамда унинг хайрихоҳлари сафи янада кенгайишига олиб келади.

Шоҳида МИРЗАЕВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

ЖАРАЁН



Сифатли тиббий хизмат

Юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Фарғона вилоятида ҳам тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш, айниқса, қишлоқ жойларда саломатлик масканларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш юзасидан қатор ишлар олиб борилмоқда.

Қўқон шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли режали стационар 215 ўринга мўлжалланган. Ушбу тиббиёт муассасаси капитал реконструкциядан чиқарилиб, замон талаблари даражасида жиҳозланди. Ультратовуш текшируви, лаборатория, физиотерапия каби бўлимларда самарали муолажа учун барча шароит яратилди.

Тиббий муассасанинг малакали шифокор ва ҳамширалари кўрсатаётган сифатли хизматдан аҳоли мамнун.



(ЎЗА) олган суратлар.

ДАВЛАТ ДАСТУРИ — АМАЛДА

Истеъдодларга кенг йўл очилди

Муסיқа ва санъат инсонни гўзаллик ҳамда нафосатга ошуфта этади. Устоз санъаткорларимиз қолдирган меросни қадрлаш, авайлаб-асраш, миллий қадриятларимизни юксалтириш, она Ватан, табиатга бўлган меҳримиз ошишига хизмат қилади. Президент Ислам Каримовнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган “Болалар муסיқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Нурота туманида 150 ўринли 5-сон муסיқа ва санъат мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Аввалги ижодкорлар саройини бирлаштирган мактаб барча қулайликларга эга.

жараёнини юксалтириш, маънавий-маърифий ишларни ривожлантириш мақсадида 13 турдаги ўзбек халқ чолғу асбоблари ҳамда янги русумдаги компьютер, нусха кўчириш жиҳозлари сотиб олинди ва машғулотларга татбиқ этилди. Ўқитувчиларимиздан Улуғбек Раҳимов, Наргиза Абдурахмонова, Дониёр Эсанов ёшларга чуқур билим бериб келмоқда. Шу кунгача улар тарбиялаётган ўқувчилар туман, вилоят, республика миқёсида ўтказилаётган кўрик-танловларда фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келаётди. Шунингдек, мактабимизда ташкил этилган “Булбулча” болалар дастаси турли тадбирларда ўзларининг қизиқarli концерт дастурлари билан иштирок этаётди. Туман миқёсида ўтказилган Мухиддин Қори Ёқубов номидаги кўрик-танловда биринчи, вилоят босқичида учинчи, “Болалик баҳори” фестивалининг вилоят босқичида биринчи ҳамда Республика босқичида фахрли ўринлардан бирини эгаллашга муваффақ бўлди.

Ўқувчиларимиз бу йилги “Болалик баҳори” кўрик-танловининг вилоят босқичида тасвирий санъат, амалий санъат ва рақс санъати йўналишлари бўйича иштирок этиб, голиб ва совриндорлар қаторидан ўрин олишди. “Зарб—2012” кўрик-танловининг вилоят босқичида эса

“Булбулча” болалар дастаси аъъанавий ижрочилик йўналиши бўйича иштирок этиб 2-ўринни, Кларнет бўйича 2-синф ўқувчиси Миржалол Мухаммедов, Амалий санъат йўналиши миллий каштачилик бўйича 3-синф ўқувчиси Шахло Мухиддинова 2-ўринни, аъъанавий ижрочилик йўналиши бўйича 3-синф ўқувчиси Азизбек Убайдуллаев фахрли 3-ўринни эгаллади.

Муסיқа мактабининг фаол ўқувчиси Миржалол Мухаммедов Баритон чолғу асбобини ўрганишга эришди. У “Чолғу асбоблари ижрочилиги” йўналишида тахсил олади. — Муסיқани яхши кўраман. Шу боис мактабдаги ўқишларим тугагач бу ерга шошиламан. Муסיқа мактабимиз аввалгидан янаям чирой очди. Келгусида устозларим ишончини оқлашга ҳаракат қиламан, дейди М.Мухаммедов.

Ҳозиргача 200 га яқин ёшлар мактабда ўқиш истагини билдиришган. Уларнинг бу интилиши ва истаги санъатга бўлган иштиёқи кучли эканини аңлатади. Ишончимизки, ушбу мактаб ўқувчилари “Келажак овози”, “Янги авлод” каби кўрик-танловларда ўзларининг истеъдодларини кўрсатиб, келгусида “Нихол” ва бошқа нуфузли мукофотларга эга бўлишади.

Жамшид БЕРДИЕВ,
ЎЗМТДП Нурота туман
Кенгаши етакчи мутахассиси

ТИББИЙ ХИЗМАТ

Тиббий саводхонликнинг ошиши

КАСАЛЛИКНИ ЭРТА АНИҚЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Маълумотларга кўра, сўнгги ўн йил давомида мамлакатимизда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан ҳамкорликда етмишга яқин лойиҳа амалга оширилди. Жумладан, ЖССТ Оролбўйида бола ёшидаги касалликларнинг интеграциялашган бошқаруви ва тоза ичимлик суви таъминотини яхшилаш лойиҳасини ҳаётга татбиқ этишга, дастлабки тиббий-санитария ёрдами хизматини мустаҳкамлашга кўмаклашмоқда.

Инсон ва унинг манфаатлари устувор саналган юртимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳатто, энг чекка қишлоқ ва туманларда ҳам замонавий тиббий муассаса, ҚВПлар қуриб фойдаланишга топширилди. Уларнинг замонавий техника билан жиҳозланиши эса аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада оширди. Мухтарам Президентимиз раҳнамолигида Ўзбекистонда сифат жиҳатдан янги, энг юксак талабларга жавоб берадиган бирламчи тиббиёт, республика ҳамда вилоятлар шошилини тиббий ёрдам кўрсатиш марказларини ўз ичига олган тиббиёт муассасаларининг мукамал тармоғи яратилди.

Амалга оширилаётган изчил ислотлар туфайли Қорақалпоғистон Республикасида ҳам аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражаси сифат жиҳатдан яхшиланиб бормоқда. Бунини Қорақалпоғистон Республикаси онкология диспансери фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Мазкур муассасада 130 нафарга яқин малакали ходимлар аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Хусусан, она ва бола, хотин-қизлар саломатлиги муҳофазаси борасида амалга оширилаётган ишларни алоҳида таъкидлаш лозим. Соҳадаги ишларнинг кенг қамровда олиб борилишида Президентимизнинг “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда “2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида”ги қарорлари дастуриламал бўлмоқда.

— Ҳақиқатдан ҳам мазкур ҳуқуқий ҳужжат туфайли, жойларда ихтисослаштирилган шифо масканлари очил-

ди. Ушбу муассасалар жаҳон андозаларига мос тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, хасталикка аниқ ташхис қўйиш, беморларни самарали муолажа усуллари ёрдамида даволаш имконини берапти, дейди биз билан суҳбатда онкология диспансери бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди Мурод Курбонов. — Бунини онкологик касалликлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Туғиш ёшидаги аёлларни малакали акушер, гинеколог, терапевт, онколог шифокорлар иштирокида махсус тиббий асбоб-ускуналар - УЗИ, рентген, гастродиффоскоп ёрдамида чуқур диспансерлик кўригидан ўтказилиши, онкологик касалликлар, жумладан, бачадон бўйни ва кўкрак беши саратонининг дастлабки босқичлари эрта аниқланганлиги туфайли касалланиш кўрсаткичи ўтган йилга нисбатан анча камайди. Аҳолининг тиббий саводхонлиги, оилада тиббий маданиятнинг шаклланиб бораётгани ҳам касалликни эрта аниқлаш имконини бермоқда.

Ўтган йил давомида тошкентлик малакали мутахассислар иштирокида Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 12 марта “Саломатлик” ҳафталиги ўтказилди. Унда 19 минг 392 нафар аҳоли, шу жумладан, 14 минг 79 нафар туғиш ёшидаги аёллар тиббий кўриқдан ўтди. Натижада кўпгина касалликлар қатори онкологик касалликлар дастлабки даврдаёқ аниқланди ва беморларни турли муолажалар орқали даволаш чораси кўрилди.

— Ана шундай тадбирлардан яна бири “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин” шiori остида шу йил 1-8 июль кунлари Қораўзак, Беруний, Қўнғирот туманларида бўлиб ўтди. Тошкентдан келган профессор ва олий тоифали шифокорлар 8532 нафар аҳолини тиббий кўриқдан ўтказишди. Янги ўрнатилган нур билан даволовчи гамотерапевтик ускуна ёрдамида ўтган 6 ойда 494 нафар бемор даво муолажасини олди. Бу борадаги ишларни доимий равишда олиб бориш йўлга қўйилди. 2011 йилда Республика акушерлик ва гинекология илмий амалий тиббиёт марказининг Нукус филиали биносида “Бачадон бўйин раки” скрининг маркази очилди. Бундан кўзланган мақсад, ҳар қандай касалликни эрта аниқлашдири, дейди М.Курбонов.

Ўз фарзандини яхши кўрган ота-она борки, уни соғ-саломат бўлишини истайди. Ўзбекистонда амалга оширилаётган “Соғлом она - соғлом бола” миллий дастури ана шу истакларнинг амалга ошишига имконият яратмоқда. У оналар ва болаларга бўлган гамхўрликнинг барча зарур жиҳатларини ўз ичига олганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Эркин ДОРИПОВ,
“Millyi tiklanish” мухбири

ОАТБ “АГРОБАНК” ОЛОТ ФИЛИАЛИ
жамоаси
Барчамиз учун қадрли бўлган, қалб кўри,
дил меҳри ила ёшларга қунт
билан билим бераётган
ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРНИ
касб байрами билан муборакбод этади.
БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

AGROBANK

Хизматлар лицензияланган

РЕКЛАМА ЎРНИДА

ЎЗМТДП БУХОРО ВИПОЯТ КЕНГАШИ ЖАМОАСИ



Барча устоз ва мураббийларни касб байрамлари билан табриклайди.

Шарафли ва масъулиятли ишларингизда улкан ютуқлар тилайди.



БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!



“САВДОГАР” ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ БУХОРО ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Озод ва обод юртимизнинг барча фидойи ва заҳматкаш устозларини — Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан қутлайди!



ЭНГ АЗИВ ТИЛАКЛАРИМИЗ СIZЛАР УЧУН!

Хизматлар лицензияланган

“БУХОРО УН” АЖ ЖАМОАСИ

1 октябрь — “Ўқитувчи ва мураббийлар куни” муносабати билан юртимиздаги барча устозларни табриклайди.

Хонадонингиз тинч, ҳаётингиз ҳамиша фаровон бўлсин!



Махсулот сертифициланган

● РАНГИН ДУНЁ

Сайёҳат ва саргузашт ишқибозлари “кўҳна тепалик” маъносини англатувчи Мачу-Пикчу тоғ чўққисига, Урубамба дарёси водийсидан 2057 метр баландликда, Жанубий Американинг гарбий соҳилини эгаллаб турган давлат - Перу ҳудудига жойлашганини яхши билса керак. Бирок, ҳамма ҳам унинг аниқ жойлашувини билмаслиги мумкин. Негаки, афсонавий шаҳар узок йшлар давомида олма эътиборидан четда қолган. Фақат ўтган асрнинг бошидагина қадимий шаҳарни америкалик олим Хайрем Бингхем топади.

Мачу-Пикчу

ЁХУД ТОҒ БАҒРИДАГИ МЎЪЖИЗА

Кўҳна шаҳар ўзининг аниқ структурасига эга бўлиб, жануби-шарқда саройлар ансамбли жой олган. Шаҳарнинг гарбий қисмида эса қурбонлик маросими ўтказиладиган асосий ибодатхона қад ростлаган. Унинг қаршисига икки қаватли аҳоли учун ажратилган турар-жойлар мавжуд бўлган. Уйлар орасида лабиринтсимон тор йўлак ва зинапоялар бўлиб, одамни адаштириб қўйган ёхуд зинасимон тоғ этакларига олиб чиққан. Мачу-Пикчунинг жануби-шарқий чегарасида инк сангтарошлари иккита маҳобатли ярим айлана кўринишидаги минора ва унга ёндош бир зинасимон тоғ этакларидан катта матонат ва маҳоратни ҳам талаб қилгани аниқ. Ҳозирги замон мутахассисларининг фикрича, иншоотни бунёд этишдан олдин усталар узок вақт қурилиш майдонини танлашган, уни тартибга келтириш ва мажмуа пойдеворини қўйиш билан шуғулланишган. Тарихий шаҳарнинг асосий қисми 7 квадрат километрга тенг ҳудудни эгаллаган бўлиб, 25 та объектни ўз ичига олади.

Шаҳарнинг хароба қисмида Куёш ибодатхонаси, хизматчилар учун мўлжалланган қурилмалар, эскохидас - бокира қизлар ибодатхонаси бўлган. Уларнинг ёнидан эса муқаддас майдон, уч ойнали ибодатхона, зинапоясимон йўлак ва яна бир қанча қурилмалар жой олган. Мазкур иморатларни қуришда асосан мрамор ва бошқа тоғ жинсларидан фойдаланилган. Иншоот шу қадар мустаҳкам қурилганки, орадан 500 йил ўтганига қарамай кучли ёмғирлар уни тоғу тошлар бағридан ажрата олмайди. Қизиги, Мачу-Пикчуга олиб борувчи йўллар ёмғирлар мавсумида ҳам ўзининг шаклу шамоили ва сифатини йўқотмайди. Сабаби, инклар йўлларга алоҳида эътибор билан қарашган. Салкам 40 минг километрлик йўлдан нафақат стретегик мақсадларда, балки ҳудудда яшовчи бошқа қабила вакиллари билан маданий алоқалар ўрнатишда ҳам кенг фойдаланилган. Айнан шу йўллар орқали одамлар бири-бирдан ҳунармандчилик, тўқимачилик, метални қайта ишлаш, меъморчилик ва қурувчилик сир-асрорларини ўрганган. Бугунги кунда инклар цивилизациясининг ажралмас бир



қисми бўлган Мачу-Пикчу тарихи дунё олимлари томонидан чуқур ўрганилмоқда. Олимларнинг тахминича, ушбу иншоотта тоғ орқали бориладиган хуфя йўл бўлган. Бирок, бугунги кунда бу йўл тошлар билан беркилиб қолган бўлиши мумкин. Шунингдек, ушбу тоғ инклардан қолган маданий ашё ва бойликларни ўзида сақлаётган, деган тахмин ҳам йўқ эмас. Энг қизиги, олимлар яна

бир гипотеза, яъни, Мачу-Пикчу шаҳри нафақат ернинг устки, балки остки қисмида ҳам қурилганини илгари суришмоқда. Қазималар чоғида эски ерости тунеллари топилгани боис, олимлар шундай хулосага келган. Инк маданиятининг дурдона асари ҳисобланмиш Мачу-Пикчу шаҳар-қалъаси бундан чорак аср илгари кўҳна меъморий ёдгорлик сифатида ЮНЕСКО-

нинг бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган эди. Бугунги кунда иншоот ҳар қачонгидан ҳам муҳофазага, айниқса, табиат ҳодисалари ва инсон томонидан етказилиши мумкин бўлган зийнлардан ҳимояга муҳтож. Зеро, уни асраб-авайлаш инк маданиятини чуқурроқ ўрганиш, бу борада янгиликлар қилиш имконини беради.

Зафар МУХАММАД

КЎЗГҮ


САЊЪАТ ҲАФТАЛИГИ

II “Олтин гепард” Тошкент халқаро кинофоруми

ART WEEK STYLE.UZ — 2012 САЊЪАТ ҲАФТАЛИГИНИ БОШЛАБ БЕРДИ



30 сентябрь...
Яқиндагина очилган “City Makon” маданий-маърифий маскани. Сокин куз оқшоми чўкиб улгурмасидан ушбу гўша таниқли кино намоёндалари, ижодкор мухлислар, юртимиз ва хоризжий ОАВ ходимлари билан гавжум. Йўлганлар анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган, санъат ва маданият йўналишидаги энг ёрқин лойиҳа — Art Week Style.uz — 2012 санъат ҳафталиги доирасига кирувчи II “Олтин гепард” Тошкент халқаро кинофорумининг очилиш маросимига жам бўлишганди.



лидир, - дейди таниқли актёр ва режиссёр, “Олтин Гепард” Тошкент халқаро кинофоруми ҳакамлар ҳайъати аъзоси Рустам Садуллаев. — Шу билан бирга, юртимизда ижод қилаётган ёш режиссёр, актёр ҳамда тасвирчиларнинг маҳорат дарслари, ижодий анжуман ва мулоқотлар, ёш ижодкорларимиз учунгина эмас, балки ҳамаки ҳақдорларимиз учун ҳам муҳим ва зарур бўлади. Яқинда Анапа шаҳрида “Киношок — 2012” халқаро кинофестивали бўлиб ўтди. Қувонарлиси, мазкур тадбирда “Ўзбекино” миллий агентлиги буюртмаси асосида кинорежиссёр Аюб Шаҳобидиновнинг томонидан “Ўзбекфильм” киностудиясида суратга олинган “Паризод” фильми бош мукофот — “Олтин новда”га сазовор бўлди. Россия, Украина, Эстония, Грузия, Беларусь, Арманистон каби давлатларнинг 14 та картинаси даъвогарлик қилган кинофестивалда “Паризод” фильмининг энг олий совринга муносиб деб топилди, ўзбек кинематографлари жаҳон киноси даражасида рақобатлаша оладиган фильмлар яратаяётганидан дарак беради.

II “Олтин гепард” Тошкент халқаро кинофоруми очилишида сўзга чиққанлар, мустақиллик йилларида юртимизда маънавий қадриятларимизни тиклаш, асраб-авайлаш, ёшларимизни миллий анъаналаримизга ҳурмат ва эҳтиром руҳида тарбиялаш борасида катта ишлар қилинаётганлигига алоҳида тўхталиб ўтди. Дарҳақиқат, Фонд Форум томонидан амалга оширилаётган бундай хайрли тадбирлар, санъатимизнинг келажagini таъминлашга қаратилган амалий саъй-ҳаракатлар мисолида ўз аксини топ-

моқда. Маънавият ва маърифат, санъат ва нафосат байрами сифатида томошабинни ўзига чорлайпти.

Сўнги йилларда Зулфиқор Мусоқов, Нозим Тўлаҳўжаев, Ёлқин Тўйчиев, Аюб Шаҳобидинов, Акбар Бектурдиев, Абдувоҳид Фаниев, Жаҳонгир Аҳмедов сингари истеъдодли режиссёрларимиз ижодига мансуб фильмлар Европа ва Осиёда ўтказилаётган қатор кинофестивалларда қўлиб бўлаётгани барчамизга фахр туйғусини бағишлайди. Яқинда Анапа шаҳрида “Киношок — 2012” халқаро кинофестивали бўлиб ўтди. Қувонарлиси, мазкур тадбирда “Ўзбекино” миллий агентлиги буюртмаси асосида кинорежиссёр Аюб Шаҳобидиновнинг томонидан “Ўзбекфильм” киностудиясида суратга олинган “Паризод” фильми бош мукофот — “Олтин новда”га сазовор бўлди. Россия, Украина, Эстония, Грузия, Беларусь, Арманистон каби давлатларнинг 14 та картинаси даъвогарлик қилган кинофестивалда “Паризод” фильмининг энг олий совринга муносиб деб топилди, ўзбек кинематографлари жаҳон киноси даражасида рақобатлаша оладиган фильмлар яратаяётганидан дарак беради.

Томас МАУХ, ҳакамлар ҳайъати аъзоси (Германия):
— Танловга тақдим этилган барча фильмлар гоёсида ин-

сон руҳияти акс этади. Бугун барчамизга дахлдор бўлган муаммолар ҳам ҳаётимиздан экранга ўзига хос бадиийлик ва моҳирлик билан кўчирилган. Бугунги ўзбек киноси шарқона ўзига хосликни акс эттириш билан бирга, инсон қалби ва ички оламидаги кечинмаларни ёрқин кўринишда томошабинларга тортқ этаяпти, десак хато бўлмайди. Бир сўз билан айтганда, бу анжуман қатор эзгу мақсадларни қамраб олганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Ник ПАУЭЛЛ, Британия кино ва телевидение академияси директори, ҳакамлар ҳайъати раиси:
— “Олтин Гепард” Тошкент халқаро кинофоруми халқаро кинофорумлар орасида ёш бўлишига қарамай жуда тез обрў қозонди. Дунёдаги кўпгина кинофестивалларда қатнашганман. Аммо, бугунги кинофорум мен учун қизиқарли бўлди. Чунки, форум доирасида намойиш этилаётган фильмларда фақатгина воқеликлар эмас, турли халқлар маданияти, тарихи, урф-одатлари, анъаналари ўз ифодасини топган. Жаҳон киносидаги долзарб мавзу ва йўналишларга бағишланган маҳорат дарсларида ўзбекистонлик ёшлар ҳам фаол иштирок этмоқда. Бугунги саъй-ҳаракатлар эртага албатта ўз мевасини беради. II “Олтин гепард” Тош-



кент халқаро кинофорумида ҳакамлар ҳайъати раиси сифатида иштирок этаётганимдан бениҳоят мамнунман.

Жан РАУ, Халқаро кинопресса федерацияси президенти, ҳакамлар ҳайъати аъзоси:
— Юртингизга биринчи бор келишим. Ҳар йили айни куз фаслида мана шундай бетакрор Art Week Style.uz санъат ҳафталигининг ўтказилиши яхши анъанага айланмоқда. Тадбир доирасида кўлаб санъаткорлар, киноижодкорлар билан ижодий мулоқотга киришиб, ўзаро таъриб алмашдим. Ижодкорларда ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш имконияти пайдо бўлди. Бу нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон кино санъати ривожига ҳам муҳим аҳамият касб этади. Кинофорумга киритилган ўзбек фильмларининг аксарияти жаҳон миқёсидаги нуфузли кинофестивалларда муваффақиятли иштирок эта олади. Францияда Таиланд ҳақида кўпчилик билмайди. Аммо, Таиланд фильмлари французлар орасида машҳур. Демокриманки, кино — давлатлар ҳақида кўпроқ маълумот олиш имконини яратади. “Олтин гепард” нуфузи йилдан-йилга янада ортиб боришига ишонаман.

“Олтин гепард” халқаро кинофоруми мукофотлари “Энг яхши анимацион фильм учун”, “Энг яхши қисқа метражли фильм учун”, “Энг яхши тўлиқ метражли фильм учун”, “Энг яхши эркак роли”, “Энг яхши аёл роли”, “Энг яхши режиссура” номинациялари бўйича топширилади. Шунингдек, киноанжуман доирасида танловдан ташқари “Замонавий ўзбек киноси панорамаси”, “Томошабин билан юзма-юз” ва “Франциялик таниқли режиссёр Жак Тати фильмлари ретроспективаси” тадбирлари томошабинларга тақдим этилади. “Олтин гепард” халқаро кинофорумининг очи-лиш маросимида илк овозсиз ўзбек фильми “Иккинчи хотин” намойиш этилди. Кинофорум якунига бағишланган тақдирот маросими 5 октябрь кuni “Туркистон” саройида бўлиб ўтади.

“Theatre.uz/2012”

Ўзбекистон ёшлар театрида 1 октябрь куни Art Week Style.uz — 2012 санъат ҳафталиги доирасида ўтказилаётган учинчи “Theatre.uz/2012” халқаро фестивалининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Мамлакатимиз ва хоризжлик саҳна ижодкорлари иштирок этаётган бу тадбир “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар театри ҳамда “Ўзбектеатр” ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

“Theatre.uz/2012” фестивалида пойтахтимиз ва вилоят театр жамоаларидан ташқари Болгария, Россия, Исроил, Қирғизистон, Тожикистондан театр усталари ташриф буюрди. Унда 5 та маҳорат дарси, 4 та ҳамкорликдаги лойиҳа, 5 та хоризжий, 5 та вилоятларимиз ва 7 та пойтахтимиз театрлари спектакллари, диплом спектакллари намойиши ҳамда илмий-амалий анжуман ўтказилиши кутилмоқда. Саҳна асарлари томошабин ва мутахассислар эътиборига ҳавола этилади.

— Маълумки бугун юртимизда миллий театр санъатини ривожлантириш, маданият мас-

ларининг таъриби ва маҳоратини оширишга хизмат қилади.

Бу йилги театр фестивали дастури ранг-баранг бўлиб, турли жанрлардаги спектакллари билан энг талабчан муҳлис ҳам таъсирлантира олади. У ижодий лаборатория шаклида ўтказилмоқда. Ижодий жараён, санъат объектини яратиш ва уни ривожлантириш масалаларининг ўрганилиши бу йилги фестивалнинг асосий йўналишини ташкил этади.

Театр постановкаларидан ташқари Ёшлар театрида Буюк Британия ва Ўзбекистон театр ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи янги гидан-янги пьесалар, тарихий драмалар асосида ўзига хос спектакллар саҳналаштирилмоқда. Фонд Форум томонидан ўтказилаётган бундай фестиваллар миллий ва умумшаърий кадрларни тараннум этувчи тарбиявий аҳамиятга мўллик саҳна асарларининг янада кўпайишига, ёш истеъдод эга-

Paul HARMAN, режиссёр (Буюк Британия):
— Ўзбекистонда иккинчи бор бўлишим. Ўтган йили ҳам театр фестивалида қатнашиб, жуда кўп дўстлар орттиргандим. Самарқанд шаҳрига саёвхат қилдим. Бу йилги фестивалда Буюк Британия, Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон театр усталари билан ҳамкорликда яратилган “Ипак толарак” спектакли намойиш қиламиз. Қатор маҳорат дарсларини ўтказиш ҳам режалаштирилган. Тадбир доирасида кўлаб санъаткорлар, ижодкорлар ижодий мулоқотга киришиб, ўзаро таъриб алмашамиз.

Ҳилола ҒАЙНИДИНОВА, Республика Рассомлик коллежи ўқувчиси:
— Мен коллежининг учинчи босқичида, Театр саҳна безаги факультетида ўқийман.

Фестивалда иккинчи маротаба қатнашимиз. Янги асарларни томоша қилиб, саҳна декорацияси бўйича билим ва таърибам янада ошди. Дўстларим билан профессионал рассомларнинг маҳорат дарсларида иштирок этаяпти. Спектакль яратилиш жараёнининг бевосита иштирокчисига ҳам айландик.

Шунингдек, фестивалда Уильям Шекспир, Алишер Навоий, Александр Грин, Фафур Фулом сингари энг сара муаллифлари асарлари постановкалари намойиш этилади. “Ромео ва Жульетта”, “Искандар девори” каби машҳур асарлар қатори, Тожикистон, Исроил, Германия театрлари билан ҳамкорликда саҳналаштирилган “Хўжа Нарсидиннинг 5 хотини”, “Хэппи Энд”, “Афсоналаримиз” каби спектакллар ҳам томошабинлар ҳуқмига ҳавола этилади.

“Theatre.uz/2012” халқаро театр фестивали 7 октябрь кuni якунланади.

Эркин Йўлдош, “Milliy tiklanish” муҳбири

Саккизоёқлар умуртқасиз жониворлар ичида энг ақллиси ҳисобланади.

Африкада учрайдиган тухумхўр илон фақат қушларнинг тухуми билан озикланади.

ТУРФА ОЛАМ

Музқаймоқлар музейи

ИТАЛИЯДАГИ CARPIGANI ЗАВОДИ ҚОШИДА ДУНЁДАГИ ЭНГ БИРИНЧИ МУЗҚАЙМОҚЛАР МУЗЕЙИ ОЧИЛДИ.



Музей экспозициялари учун 450 квадрат метр майдон ажратилган бўлиб, уларда дунё музқаймоқлари тарихи ва брендлари билан боғлиқ экспонатлар жой олган. Шунингдек, бу ерга келган томошабин европалик алхимиклар томонидан асосан оксуялар учун тайёрланган ноёб музқаймоқ турлари ҳамда бундан бир неча юз йиллар илгари яшаган одамлар қандай яхна ичимлик ва музлатилган ширинликлар истеъмол қилгани ҳақида етарлича тасаввурга эга бўлиши мумкин.

Кафтнинг ўзи кифоя

ЯПОНИЯЛИК КАШШОФЛАР ИНСОН ҚЎЛИНИНГ КАФТИ БИЛАН ИШГА ТУШУВЧИ БАНКОМАТНИ ЎЙЛАБ ТОПИШДИ.

Бундай банкوماتлардан фойдаланувчи киши эндиликда банк карточкаларисиз ҳам ўз ҳисобидан пул ечиб олиши, ҳисобидаги пул маблағларини текшириши мумкин. Бунинг учун фойдаланувчи кафтини махсус қурилма устига олиб боради ва туғилган санаси, пин-кодни теради, холос. Фақат янги банкوماتлардан фойдаланувчи миждоз ўз биометрик маълумотларини электрон карточкаси рўйхатдан ўтган банкка тақдим этса бўлгани. Шундан сўнг, банкوماتдан пул ечиб олиш учун кафтнинг ўзи ҳам кифоя қилади.

Никоҳ учун зарарли

УЙ ИШЛАРИНИ БАБ-БАРОВАР БАЖАРАДИГАН ЭР-ХОТИНЛАР ЎРТАСИДАГИ НИКОҲ УЗОҚҚА БОРМАЙДИ.



Норвегиялик тадқиқотчиларнинг аниқлашича, уй юмушлари билан асосан аёли шугулланадиган оилалар мустаҳкам бўлиб чиққан. Аксинча, уй вазифаларини ўзаро бўлишиб олган эр-хотинлар ўртасидаги ажрашишлар эса 50 фоизга етган. Тадқиқотчилар бундай бўлишига замонавий шароитларни ҳам сабаб қилиб кўрсатишмоқда. Негаки, европалик эркак ва аёллар ҳар хижатдан ўзларини тенг ҳуқуқли деб ҳисоблашади. Ҳатто, уй юмушларидан тортиб, фарзанд парваршигача тенглик сақланишини истайдилар. Натijaда бундай никоҳ тадқиқотчилар айтганидек узоққа чўзилмайди.

Ошпазлар рекорди

ПУАТЬЕ ШАҲРИ ОШПАЗЛАРИ ГИННЕСНИНГ РЕКОРДЛАР КИТОБИДАН ЖОЙ ОЛИШ МАҚСАДИДА БИР ТОННАДАН ЗИЁД ҚАРТОШКА БЎТҚАСИНИ ТАЙЁРЛАШДИ.



Маълумотларга қараганда, ушбу таомни тайёрлаш учун салкам 800 кг. картошка, 250 кг. сариеғ ва 300 литр сут керак бўлган. Картошка бўтқасини тайёрлаш жараёнида 90 кишидан иборат иккита ошпазлар бригадаси қатнашган. Улар ҳар 30 дақиқада жой алмашиб ишлашларига тўғри келган. Эрта тонгда бошланган таом пишириш жараёни кун ботишига 1-2 соат қолганда ниҳоясига етган. Шундан сўнг, 1042 кг.ни ташкил қилган картошка бўтқаси видеотаърибга туширилиб, озик-овқат йўналишидаги навбатдаги рекорд қайд этилган.

З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади

«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Амир Темури 1-тор кўчаси, 2-уй манзилида амалга оширилаётган хўжалик омбури курилиши ишлари бўйича танлов эълон қилади.

Ҳужжатлар билан компаниянинг оқоридаги манзили (6-хонада), иш кунлари соат 15-00 дан 18-00 гача танишиш мумкин. Танловда иштирок этиш юзасидан мурожаатлар 2012 йил 10 октябргача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 233-73-78